



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 17 октябр, сешанба № 152 (984)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЯКДИЛЛИК - МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИНИНГ МЕЗОНИ

16 октябр куни Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Неждет Сезер расмий ташриф билан мамлакатимизга келди

«Дўрмон» қароргоҳида олий мартабали мекхонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтгач, икки мамлакат Президентлари Ислам Каримов ва Аҳмет Сезер яқма-яқка суҳбатлашди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳоли ва истиқболи билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Президентларнинг музокаралардан кейин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувида таъкидланганидек, суҳбат чоғида томонларнинг қатор халқаро ва минтақавий муаммолар бўйича яқдил экани аён бўлган. Бу яқдиллик ўзаро муносабатлар ривожига катта туртки бўлиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги дўстона алоқалар икки мамлакат халқлари учун ҳамisha алоҳида эътиборда бўлиб келган. Ислам Каримовнинг Туркияга, расмий Анкара раҳбариятининг Ўзбекистонга ташрифлари катта эътиборга молик воқеа сифатида қарши олинади. Айтиш мумкинки, Аҳмет Сезернинг Марказий Осий мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонга буюрган мазкур илк расмий ташрифи ҳам ана шундай руҳда бошланди.

Президентларнинг яқма-яқка суҳбатида ҳам, икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳам ўзаро муносабатларга оид долзарб масалалар кўриб чиқилди. Иқтисодий бораида товар алмашув ҳамини ошириш, мавжуд алоқаларни кенгайтириш, кўшма корхоналар сонини кўпайтириш бораида ўзаро фаол фикр алмашилиб, бу мақсадлар йўлида икки томондан ҳам бор имкониятларни ишга солишга келишиб олинди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик барқарор ривожланаяпти. Бугунги кунда мамлакатимизда Туркия ишбилармонлари иштирокида 400 га яқин корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида иш юрймоқда. Юртдошларимизга «СамКочАвто», «Демир», «Косонсой-Текмен» каби корхоналар, «Айсел», «Аларко» каби компаниялар яхши таниш.

Умуман олганда, савдо-иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилган. Бунинг ҳуқуқий пойдевори ҳам мустаҳкам. Аммо, очигини айтганда, ҳозирги кунда бу борадаги алоқалар кутилган суръатга ва имконият даражасидаги самарага эга эмас. Аҳмет Сезернинг таъкидлашича, ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 150 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Бу кўрсаткич мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳиятига мос эмаслиги кўриниб турибди. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Туркия ўртасида



сида ҳамкорлик тўғрисида Президентлар томонидан имзоланган қўшма баёнот бу суҳбатнинг бартафари этишга хизмат қилади.

«Дўрмон»даги музокаралар чоғида ижтимоий, маданий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Президент Ислам Каримов ҳамкорлик бораида қабул қилинган қўшма баёнот келгусида ана шу соҳалар бўйича тузилиб, амалга ошириладиган улкан лойиҳалар учун ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлади.

Президентлар имзо чеккан иккинчи муҳим ҳужжат Ўзбекистон билан Туркия ўртасида террорчилик, наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги

қўшма баёнотдир. Сир эмаски, асримиз сўнггида инсоният катта муаммоларга дуч келди. Бу бутун жаҳон бўйлаб кенг тарқалаётган халқаро террорчилик, экстремизм, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик каби иллатлардир. Олам аҳлининг қаттиқ ташвишга тушаётгани шунданки, бу иллатларнинг барчаси бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини келтириб чиқармоқда. Зеро, террорчилик ортда гиёҳвандлик моддалари савдоси, унинг ортда эса уюшган жиноятчилик турибди. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Ўзбекистон ва Туркиянинг бундай иллатларга қарши кураш масаласидаги яқдиллиги ва бунинг натижаси ўлароқ, икки давлат раҳбарлари томонидан қўшма

баёнот имзоланиши жуда муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, террорга қарши курашишда мурасасиз бўлган Туркия шу вақтгача бу борада катта тажриба орттирган. Ўзбекистон учун бу тажриба қўл келиши тайин. Лекин айни чоғда террорга қарши курашда бир томонлама ёрдам кўрсатиш ҳақида гап кетаятгани йўқ. Бошқача айтганда, икки мамлакат ҳам бир-бирига ёрдам беради. Президентлар бу борада қўшма баёнот қабул қилган бўлса, Ўзбекистон Мудрофаа вазири Қодир Ғулломов ҳамда Туркия Қуролли кучлари Бош штаби бошқармаси бошлиғи генерал-лейтенант Унол Унсипохи ўгли бу баёнотни ҳар томонлама мустаҳкам-

лайдиган ва кучайтирадиган бошқа ҳужжат — ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги ҳуқуқатларро битимга имзо чекди. Музокаралар натижаси ҳақида муайян ҳулоса чиқариш учун учрашув якунида Президентлар таъкидлаган бир гапни эслаш кифоя. Давлат раҳбарлари мулоқотлар қизиқарли ва мазмунли ўтганини, улардан қониқиб ҳосил қилганини қайд этди. Ислам Каримов Туркия Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш йўлида ташланган муҳим кадам бўлишини таъкидлади. Туркия Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎЗА).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДЕВОНИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ХУЗУРИДАГИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЭТИБ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хўсусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, республиканинг матбаа тармоғини ривожлантиришга, техника билан қайта қуроллантириш ва янгилашга хорижий сармояларни кенг қўламда жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш асосида ахборот-ноширлик фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқатининг 2000 йил 3 апрелдаги 159-ф қарори билан тузилган Ишчи комиссиясининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармаси хузуридаги «Шарқ» наشريёт-матбаа концернини «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси этиб ўзгартириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.
2. Қўйидагилар «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси фаолиятининг асосий вазибалари ва йўналишлари этиб белгилансин: республикада наشريёт-матбаа ишини янада ривожлантириш ва сифатини ошириш; аҳолининг юқори сифатли матбуот маҳсулотига бўлган талаб-эhtiёжларини тўлиқроқ қондириш, наشريёт-матбаа маҳсулоти бозорини шакллантиришда фаол иштирок этиш; ҳўжалик юритишининг бозор усуллари кенг жорий этиш, компаниянинг молиявий-иқтисодий аҳолини мустаҳкамлаш; матбаа ишлаб чиқаришини техника билан қайта қуроллантириш ва янгилашга хорижий сармояларни жалб этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, илғор хорижий технологияларни матбаа соҳасига тадбиқ қилиш.
3. Белгилан кўйилсинки, «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси: очик турдаги акциядорлик жамияти шаклида таъсис этилади ва у юридик шахс саналади; «Шарқ» наشريёт-матбаа концерни томонидан тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.
4. «Шарқ» наشريёт-матбаа концернини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 5 ноябрдаги ПФ-286-сон Фармони ўз кўчини йўқотган деб ҳисоблансин.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2000 йил 16 октябр.

### АРҒИН ГУЗАРИ

Асака туманининг «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғини худудида Арғин гузари барпо этилди. Анчадан бери ташландик бўлиб ётган жойда маҳалла тadbиркорлари ака-ука Зоҳиджон, Зухриддин, Зиёхиддин Мирзаевлар ўз маблаглари эвазига уни барпо этдилар. Бир вақтнинг ўзида 100 хўрандага мўлжалланган ошхона, оталар чойхонаси, ёшлар дам олиш маскани ҳамда ўн та савдо дўконини ўз ичига олган раста, шунингдек, сабзавот, мева-чева ва саноат молларини сотишга мўлжалланган бозорча ишга туширилди. Улар келажақда саноат моллари ва автомобил сотиш бозорини барпо этиш бораида иш олиб бормоқдалар.

### Меҳнаткашлар манфаатининг устувор ҳимоячиси КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Одатда ҳар бир инсон меҳнат фаолияти давомида доимий ишли бўлишни, яхши маош олишни ўйлайди. Бу табиий хол. Чунки, одам фаровон ҳаёт кечиршини истайдиган, шунга интилади. Меҳнаткашга етарли шароит яратиш, кам таъминланган оила-ларнинг ижтимоий ҳимоялаш, ёш авлодга гамхўрлик кўрсатиш эса инсонпарвар жамиятнинг биринчи галдаги вазифасидир.

Айнан шундай мақсадларни кўзлаб амалдаги йилнинг олти ойида тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмиталарининг тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан 63 та келишувларни расмийлаштирилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари маҳаллий ҳокимият бошқарув идоралари билан 14 та худудий, вилоят ва ту-

манлар тармоқ касаба қўмиталари ва давлат ҳамда ҳўжалик ташкилотлари ўртасида 1015 та келишув имзоланди. Мамлакатимизда соғлом авлоднинг вояга етказишга эътибор тобора кучайтирилаётгани касаба уюшмалари фаолиятини янада жонлан-тирди. «Соғлом авлод йили» муносабати билан аёлларга қатор қўшимча имтиёزلар берилаётгани ҳаммани, айниқса, волидаларни бениҳоят

хурсанд этмоқда. Айни пайтда 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандларини тарбиялаётган оналарга қўшимча нафақалар тўланаётди.

Ушбу мақсадлар учун шу йилнинг биринчи ярмида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси корхоналарида 42 нафар аёлга 186 минг сўм, алоҳа тармоғида меҳнат қилаётган 789 нафар аёлга 8132 минг, қурилиш ва қурилиш ашёлари сановати жамоаларидаги 368 нафар аёлга 3842 минг, транспорт ва йўл ҳўжалиги ташкилотларида фаолият кўрсатаётган 534 нафар аёлга 1107 минг сўм тарқатилди.

Вилоятларда ҳам бу вазифа муддатидан кенгайтирилмай бажарилиши таъминланган. Маса-

лан, Бухоро вилояти корхоналарида 1307 нафар аёлга 1979 минг сўм, Самарқандда 3368 нафар аёлга 2547 минг сўмдан тўланди. Умуман барча вилоятлар бўйича бу кўрсаткич 118718 нафар аёл учун 193556 минг сўмни ташкил этди.

Фарзанд кутаётган келинчақ ҳамда оналар ҳомилдорлигининг бешинчи ойидан таътилга чиқарилиши аёл саломатлигини асраш йўлида кўрсатилган яна бир гамхўрликдир. Утган давр мобайнида республикадаги 66992 нафар аёл жамоа шартномалари ва жамоа келишувлари орқали ҳомилдорлигининг бешинчи ойидаёқ шундай имтиёздан фойдаландилар. (Давоми 2-бетда.)

### Фестивал якунлари нимани кўрсатди?

## ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ БАЙРАМИ

Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари турмуш тарзининг билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар халқимизнинг минг йиллик тарихини, урф-одатлари, анъаналари ва руҳиятини ўзида мужассам этади. Бинобарин, мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган миска вақт ичида дастлаб 1991 йил Форишда бўлиб ўтган халқ миллий ўйинлари, сўнг миллий спорт ва халқ ўйинларининг биринчи олимпиадаси, «Алломиш» достонининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқ миллий ўйинлари фестивали, Аёллар йилига бағишланган қизлар ўртасидаги Тумарис ўйинлари ёшларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол шахс сифатида шакллантиришда муҳим омили вазифасини ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Фарғона вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Соғлом авлод учун» жамгармаси, «Экосан» халқаро жамгармаси, Республика Миллий спорт маркази ҳамда «Шарқ аёли» халқаро жамгармасининг ташаббуси билан «Соғлом авлод йили» ва Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллигига бағиш-

ланган миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича республикаимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари иштирокида «II Алломиш ўйинлари» фестивалининг ташкил этилиши ҳам юқорида тилга олинган мусобақаларнинг мантиқий давоми, ўзбек халқ ўйинларининг улкан тантанасига айланди. Уйинлар ўтказиладиган Фарғона вилоятининг Ёшларобод қишлоғига

йўл олар эканми, миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари тарғиботчиси, фольклоршунос олим, профессор Малик Муродовнинг фестивал хўсусидаги фикрлари билан қизиқдик: — Халқ ўйинлари миллатимизнинг маънавий, маърифий, руҳий ва жисмоний етуқлик бораидаги илдизлари минг-миг йилларга бориб тақалувчи буюк меросидир. Зеро, ота-боболаримиз азалдан мана шу ҳаракатли ўйинлар натижасида чиниққан, жисмонан бақувват ва метин иродали кишилар даражасига етган. Бу тўғрисида маълумотлар «Авесто», ҳатто ундан олдинги манбаларда ҳам ўз аксини топган. Чунки, Тумарис, Широк, Муқанна, Жалолдин Мангуберди, Амир Темур каби буюк юртдошларимизнинг ақдан етуқ, жисмонан бақувват бўлишида биринчи навбатда халқ ўйинлари, ота-боболаримиздан қолган жисмоний тарбия омиллари асосий рол

ўйнаган. Халқимиз орасида узокдан тангани уриш, дарё, денгизда чўкмасдан узок вақт сузиб манзилга етиш, оғир тошларни кўтариш, тоққа чиқиб-тушиш, саҳрода сувсиз узок масофани босиб ўтиш каби омиллар мавжуд бўлганки, бу аждодларимизни жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш билан бирга уларнинг маънавияти, маърифати, миллий онги ва гоёсини шакллантириш ва ривожлантиришда жуда муҳим ўрин тутган. Кейинги пайтларда халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини қайтадан тиклаб, ривожлантириш бораидаги саъй-ҳаракатлар, республика даражасидаги мусобақаларнинг ташкил этилишини эса уммон тубидаги жевохирнинг қайтадан юз кўрсатишига ўхшатса бўлади. Уйлайманки, «II Алломиш ўйинлари» фестивали халқ ўйинларимизнинг улкан тантанаси тимсолига айланиб қолади. (Давоми 4-бетда.)

### ЮНСИТРАЛ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Шу кунларда мамлакатимизда БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи комиссияси (ЮНСИТРАЛ) вакиллари меҳмон бўлиб турибди. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида музокара ўтказди. Учрашув чоғида ЮНСИТРАЛ ходимлари республи-

ликаимиздаги дунё иқтисодиётига интеграциялашуви учун яратилган ҳуқуқий меъёрлар билан қизиқди. Ўзбекистонда хорижий сармоя ва савдо-сотиққа оид талай қонунлар қабул қилинган бўлиб, бу ҳужжатлар чет элликларнинг юртимизга

сармоя етказиши учун жуда қулай ва фойдали шарт-шароитни кўзда тутди. Меҳмонларга мазкур ҳуқуқий меъёрлар ҳақида қисқача тушунча берилди. Учрашувда бу борадаги қонунларнинг халқаро ҳуқуқларга мос тушиши юртимизга сармоя оқимини кучайтиришда катта аҳамиятга эга экани таъкидланди. (ЎЗА).

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН

(Боши 1-бетда).

Кундалик ҳаётда оилавий юмушларнинг кўпи аёл зиммасига тушади. У ишдан қайтгач, рўзгор ташвишлари билан банд бўлади. Шуни инобатга олиб корхона ва ташкилотларда ишловчи кўп болалар аёлларга энгиллик берилиши қатор муаммоларни ҳал этди. Биринчидан, она боласи тарбиясига кўпроқ вақт ажратади. Иккинчидан, ҳар кунги режалар ишига улгургани, учинчидан, озгина бўлса-да дам олишига имкон яралади.

Республикадамаида тўрт ва ундан кўп болалар аёллардан 173258 нафари ойлик маоши сақланган ҳолда ҳафталик иш вақти 1 соатга қисқартирилди. Жумладан, агросаноат мажмуи корхоналарида 138764 нафарининг, соғлиқни сақлаш муассасаларида 6425, автотранспорт ва йўл ҳўжалиги бўлинмаларида 6132, савдо, умумий оқватланиш, матлубот тизимида ишловчи 4951, таълим ва фан ходимларидан 5478 нафар аёл шундай имтиёзга эга бўлди.

Касаба уюшмаларининг ва тегишли идоралар мутасаддилари саъй-ҳаракатлари билан жойларда аҳолини иш билан таъминлашга катта эътибор берилди. Биринчи навбатда ногиронлар, алоҳида ижтимоий ҳимрга муҳтож фуқаролар ишга жойлаштирилмоқда. Буларга мисол тариқасида бири-

на Наманган вилоятида 20250 та янги иш ўрни яратилганини келтириш мумкин. Унинг 218 таси мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қайта қуриш ҳисобига вужудга келди. Ишга жойлаштирилганлардан 728 нафар киши ижтимоий ҳимояга муҳтож, 168 нафари эса қамоқ жазосини ўтаб қайтганлар эди.

Самарқанд вилояти касаба уюшмалари ҳам жойлардаги ижрочи ташкилотлар билан ҳамкорликда бугунги куннинг муҳим вазифаларини адо этмоқдалар. Эътиборга лойиқ томон шундаки, ўтган даврда вилоятда яратилган 34712 та янги иш ўрнининг 30100 дан зиёда қишлоқ жойларидадир. Бунинг учун бюджетдан 58,7 миллион сўм, ҳўжаликлар маблағидан 46,8 миллион сўм ва бошқа манбалар ҳисобидан 955 миллион сўм сарфланди. Шу қаторда 1374 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишга туширилди. 20 минг нафарга яқин киши иш билан таъминланди. Минг нафардан зиёд киши янги касб-ҳунар эгаллаши учун қайта ўқитилди.

Ким қаерда ишласин, меҳнатига яраша рағбат кўрса касбига меҳри ортаверади. Янада яхши ишлашга, моддий манфаатдорлигини оширишга интилади. Бу масала ҳам касаба уюшмаларининг алоҳида эътиборида бўлмоқда. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикаси алоқа тармоғига қарашли корхоналарда оғир ва зарарли меҳнат ша-

роити учун 217 нафар ишчига 903,5 минг, юқори малакали 144 нафар ходимга 1018 минг, кўп йиллик меҳнат даври учун 1627 нафар кишига 20278 минг сўм қўшимча ҳақ тўланди.

Бундан ташқари, «ҚРРесагроқурилиш», «ҚҚсаноатқурилиш» акциядорлик бирлашмаларида қабул қилинган жамоа шартномаларига кўра ишчи-хизматчилар ойлиги мамлакатда белгиланган энг кам иш ҳақининг 50 фоизи, «ҚҚсаноатфуқароқурилиш» акциядорлик бирлашмасида эса 75 фоизи миқдорда оширилди. Уларнинг меҳнат таътилига қўшимча 302 минг, моддий ёрдам кўрсатишга 3496 минг, меҳнат муҳофазасига 5302 минг сўм сарфланди.

Ҳа, шартнома ижроси билан чиройли. Жамоа шартномаларига асосан Фарғона вилояти корхоналаридаги кам таъминланган оилаларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган. Вилоят қурилиш ва қурилиш ашёлари санмати ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси таркибига кирувчи меҳнат жамоаларида мададга муҳтожларга ташкилотлар томонидан 9053 минг сўм, касаба уюшмаси қўмитаси ҳисобидан 816 минг сўмлик маблағ ажратилди. Умуман, тармоқ бўйича жамоа шартномаларига киритилган бандларга асосан ишчи-хизматчилар моддий манфаатдорлигини ошириш учун корхоналар ҳисобидан

243796 минг сўм, касаба уюшма қўмиталари маблағидан 13324 минг сўм ишлатилди.

Шу каби ибратли мисолларни Қашқадарё вилоятида ҳам келтириш мумкин. Муборақ нефт ва газ конлари бошқармасига қарашли корхоналарда ишчи-хизматчиларнинг иш шaroитини яхшилаш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш учун 92 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Шунингдек, 196 нафар меҳнаткашга 2 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Меҳнат таътилига чиққан 646 нафар кишининг ҳар бирига 15200 сўмдан, жами 9,7 миллион сўм кўмак пули берилди. Ишловчиларнинг ойлик маошини кўтариш мақсадида республика бўйича белгиланган ягона тариф сеткасининг нуллик разряд ставкасини 70 фоизга оширишга эришилди. Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган бу каби ҳаётбахш тадбирлар одамларда эртанги кунга бўлган ишончни мустақамлаб, меҳнатга муносабатни тобора яхшиламоқда.

**Рўфат МУСАЕВ,**  
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мутахассиси.**  
**Раъшан БОБОМУҲАМЕДОВ,**  
**«Ишонч» мухбири.**

Фарғона вилояти касаба уюшмалари Кенгаши ўтган йили табиий офатдан зарар кўрган Шоҳимардон қишлоғи аҳолисига 220 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Савдо ходимлари уюшма қўмитаси томонидан ўн та кам таъминланган оилага 12 тонна кўмир бепул етказиб берилди. 190 тонна кўмир, 120 тонна қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари қишлоқ аҳолисига имтиёзли нархларда сотилди. Шунингдек, шоҳимардонлик еттига кам таъминланган оилаларга кўшимча ёрдам пуллари берилди.

## БОР БЎЛ, ОҚИБАТ!

Шоҳимардон худудидаги мактаб ўқувчиларини бепул ўқув дарсликлари билан таъминлаш мақсадида эса 355 минг сўм маблағ ажратилди. — деди Фарғона вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси Каюм Дадабоев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Шунингдек, «Фарғонавилогаз» ва вилоят «Сувоқава» ишлаб чиқариш бирлашмалари кам таъминланган 20 нафар оиланинг газ ва сув учун пул тўловларини ўз ҳисобларидан қоплашни зиммаларига олдилар. Вилоятдаги энгил санат тизими корхоналари эса эҳтиёжманд оилаларга ўзлари ишлаб чиқарган 200 минг сўмлик маҳсулотларни совға қилдилар. Богча тарбияланувчиларига эса бир-бирдан чиройли ўйинчоқлар ҳада этилди.

«Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасининг Фарғона вилоят бўлими санъаткорлари қишлоқ аҳолиси учун хайрия концерти уюштирди.

# САДОҚАТНИ ДЕҲҚОНДАН ЎРГАНАЙЛИК

Туман ҳўжалиklarини айланарканман одамларга зимдан назар ташлайман. Юзларида табассум, гайрат-шижоат билан меҳнат қилишаёпти. Деҳқоннинг кайфияти пахтасига қараб, дейишади. Бироқ мана шу аъло кайфиятни юзага чиқаргунча анча вақт изланишга, аниқ тадбирларни амалга оширишга тўғри келди.

Бир вақтлар Учқўрғон Наманган вилоятининг энг олди туманларидан бири бўлган. Илгор механизаторлар, юқори ҳосил усталари кўп бўлган. Бироқ сўнгги йилларда пахтачиликда иш орқага кетди. Меҳнатчилар чўнтаги пулга ёлчимай қолди.


Фаолиятининг дастлабки кезларидан кўйи бўгинларда тез-тез бўлиб, барча соҳани бирдек ривожлантириш омиллари хусусида таҳрибақорлар, мутахассислар билан фикрлашдим. Айниқса, табаррук инсонлар — ота-онларнинг маслаҳатлари ишни ўнглашда алоҳида асқотди. Ишни ички омиллардан унумли фойдаланиш, илгорлар таҳрибасини кенг қўллаш, йил-ғим-терим мавсумида техникадан унумли фойдаланишга эришишдан бошладик.

Дала шийпониди бўлиб ўтган сўхбатларнинг бирида меҳнат фахрийлари қимматли ташаббус билан чиқдилар. Нурунийлар 30 йил илгари шаҳар четига кўмиб юборилган маҳаллий ўғит ва ахлат чиқиндилари аралашмаси ҳосилдорлиқни юксалтиришда муҳим рол ўйнаши мумкинлигини таъкидладилар. Бу ишга мутахассислар, таҳрибақорларни жалб этдик. Чинданам намуна олиниб, лабораторияда текширувдан ўтказилганда азот, фосфор аралашмаси ажойиб ўғит юзага келганлиги маълум бўлди. Ҳашар уюштирилиб бебаҳо бойлиқнинг 10 минг тоннадан зиёди далаларимизга ташиб келтирилди.

Ҳамжиҳатлик, омилкорлик ҳамда деҳқон садоқати туфайли бу йил далаларда пахтадан ҳар қачонгидан мўл ҳосил яратилди. Йил-ғим-теримга барвақт киришдик. Муҳим иш Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида ташкил этилганлиги сабабли ҳар бир пахтакор, теримчи мавсумда яхши ишлаб мўмай ҳул топиш мумкинлигига тўла ишонч қўли қилди. Шу боис ялли сафарбарлик таъминланди. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг синалган омилларидан унумли фойдаланилган жойларда суръат юқори бўлди. Кўни кеча пудратчи Турсунўлат Мўминов даласида бўлдим. Ҳосилдорлиқни гектарига 5 центнерга ошириб, режани дўндирган бўлсада у оила аъзолари билан куйиб-пишиб меҳнат қилаётганди.

— Ташкилотчиликка, раҳбарга кўп нарса боғлиқ, — дейди у. — Муҳими деҳқон ўз ерининг ҳақиқий ҳўжайинига айланди. Унга кенг эркинлик ва имконият берилди. Иш ҳақи даланинг ўзида тарқатилди. Шу боис бизнинг «Янгиобод» жамоа ҳўжалигимизда биринчи марта йиллик режа сентябр ойида ўринлатилди.

Туман ҳокимлиги ҳўжалиқлар, корхона ва ташкилотларнинг касаба уюшма қўмиталари билан ҳамжиҳатликда иш юритиб, далада ишлаётганларга қулай шарт-шaroитлар яратиш, илгорларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, маданий-маиший хизматни юқори поғонага кўтаришга ҳаракат қилдик. Шу ўринда матбуот сўзининг таъсирчан кучи ҳақида тўхталмоқчиман. Бир йил аввал «Ишонч» газетасида йиллик пахта тайёрлаш режасини бажармаган ҳўжалиқлардаги аҳвол, раҳбар мутахассисларнинг камчиликлари ҳақида ҳикоя



қилувчи мақола эълон қилинди. У барча ҳўжалиқларда кенг муҳоқама этилди. Матбуотда билдирилган тақлиф-мулоҳазаларга кўра кадрларга нисбатан талабчанлиқни оширдик. Ҳамон эскича ишлаётган, боқимандалик кайфиятидан халос бўла олмаётган, иш ўрнига баҳона излаётган айрим ҳўжалик раҳбарлари иқтидорли, ташаббускор кишилар ҳисобига алмаштирилди. Хусусан эътибор қаратилган «Янгиобод» жамоа ҳўжалигининг янги раҳбари кўпчилиқни ортидан эргаштира олди. Ҳал қилувчи бўгинларда соғлом, талабчанлик муҳити юзага келди. 236 та оилавий пудратчиларнинг ҳаммаси сўзининг ўстидан чиқди. Ҳўжалик пахта топириш режасини сентябр ойидаёқ муваффақиятли адо этди. Ахир бу ҳазилакам гап эмас. Деҳқон садоқати ортида заҳматли меҳнат, уйқу-сиз тунар, омилкорлик ётади. Биз сеvimли газетамиз бўлиб қолган «Ишонч»га 2001 йил учун 300 нуسخа обуна бўлишни режалаштирдик.

Мавсум ўз қаҳрамонларини яратди. Мавлудахон Мўминова, Икромжон Мелибоев каби пудратчилар ҳосилдорлиқни 40-43 центнерга етказдилар. Қабул пунктларига топширилган оқ олтин сифатли бўлганлиги учун бу йил ҳар қачонгидан кўп даромад қилиш кўзда тутилмоқда.

Ҳал қилувчи бўгинларда фаолият юритаётган касаба уюшмалари моддий манфаатдорлиқни таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу йил мактаблар, ёлпмади. Анчадан бери қантариб қўйилган терим машиналари ҳам бу йил тўла унум билан ишлатилмоқда. Еттига «Кей» агрегати хирмонга барака киритмоқда. Ҳалаба марраси яқин. Қизгин дамларда туман бўйича йиллик режанинг беш фоизи миқдориди пахта топширдик. Ҳозир ҳам азамат деҳқонларимиз суръатни бўшаширмаликка ҳаракат қилишаёпти. Териб топширилаётган бир кило уруғлик пахта учун 16 сўмдан, баъзи ерларда 14 сўмдан ҳақ тўланаёпти. Одамлар иқтисодий жиҳатдан ўзларини анча тутиб олишди. Йил-ғим-терим юқори паллага кўтарилган кезларда ҳар беш кунда теримчиларга ўрта ҳисобда 230 миллион сўм иш ҳақи тарқатилди.

Жорий йилнинг олтин кузи Учқўрғонга кут-барака олиб келди. Ҳалачилик, богдорчилик, пахтачиликда илдам қадамлар қўйилди. Қишлоқларимиз кўригига кўрк қўшилмоқда. Одамлар яхши ишлаб, яхши яшашга ўрганмоқдалар.

**Баҳодир ОҚУНОВ,**  
**Учқўрғон тумани ҳокими,**  
**Олий Мажлис депутати.**

## Иқтисодийёт чорраҳаларида 70 КИШИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Олтин куз қишлоқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида фаолият юритаётган барчани имтиҳон қилмоқда.

Косон тумани пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ҳам мавсумга пухта ҳозирлик кўрди. 56500 тонна пахта қайта ишлашни режалаштирган аҳил жамоа ҳозиргача 25 минг тоннадан кўпроқ пахта қайта қабул қилиб олди. Шундан 3090 тоннаси қайта ишланди.

— Олинган 1077 тонна сифатли тола АҚШ, Жанубий Корея, Швейцария каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда, — дейди корхона раҳбари Шоди Раззоқов. — Ҳозирги кунда жамоамизда иш қизғин. 763 нафар ишловчи 3 сменада фаол меҳнат қилишаёпти. Уларга барча шарт-шaroитлар яратилган.

Ислоҳотлар инсон учун эканлигини тўғри англаган маъмурият ва касабақўм ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор бермоқда. Барча ходимлар учун бепул тушлик ташкил қилинган. Ёрдамчи ҳўжалиқда етиштирилган сут ва сут маҳсулотлари, гўшт, ёғ ишчиларга мунтазам бериб турилади.

Корхонада қўшимча иш ўринлари ташкил этилмоқда. Жорий йил бошида нотўқима материаллар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилган эди. Натижада 70 нафар киши иш билан таъминланди. Корхонада очилган янги тикув цехида эса кийим-бошлар тикилади.

Даромадга қараб буромад, деганларидек, ишни тўғри ташкил қилиш, барча имкониятлардан самарали фойдаланиш корхонага яхшигина даромад келтирмоқда. Натижада нафақат жамоа эҳтиёжлари қондириляпти, балки қатор хайрия ишлари ҳам амалга ошириляпти. Тумандаги Ҳамид Олимжон номли мактаб корхона оталиғига олинган. Кам таъминланган, яқка-ёлғиз яшовчиларга беминнат ёрдам кўрсатиб келаётган корхонанинг келгусидаги режалари янада улкан. Йил охиригача электр двигателлари чўлғамларини ўраш цехини ишга тушириш режалаштирилган. Бу яна ўнлаб фуқаролар янги иш ўринлари билан таъминланади, демакдир.

**Ақам АЛЛАМУРОВОВ,**  
**«Ишонч» мухбири.**



Пахтазорлардан йиғиштириб олинган оқ олтинни қабул пунктларига пешма пеш етказиб бериш ҳам шу куннинг энг долзарб юмушларидан. Бу техника жиловоридан юксак маҳорат ва гайрат талаб этади. Ҳўжаобод туманидаги «Иттифок» ширкат ҳўжалиги механизатори Шермуҳаммад Эрматов ҳам ўз касбининг фидойилари. У дур ортилган транспортни моҳирона бошқариб улкан хирмонимиз юксалишига муносиб ҳисса қўшаёпти.

**Суратда: Шермуҳаммад Эрматов.**

**Б. Ҳамроқулов олган сурат.**

# АБАДИЙ ДЎСТЛИК ВА

**Маълумки, Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлат Туркия бўлган эди. Мустақиллик эълон қилинган йилнинг декабрида Президентимиз Ислам Каримовнинг илкор Туркияга расмий ташрифи бўлди. Мана шундан бери 9 йил ўтди. Бу тарих учун қисқа муддат бўлса-да, айнан шу давр ичида дўстона алоқаларга асос солинди. Иқтисодий-маиший, ҳарбий-сиёсий ҳамда илм-фан ва маданият жиҳатларидаги алоқалар бевосита амалий босқичга кўчди.**

Халқларимиз ўртасидаги қардошлик алоқалари узоқ асрларга бориб тақалишини кўпчилик яхши билади. Урта аср уйғонш даври (X аср) ва бугунги кунимиз орасида 1000 йиллик замон бор. Айнан шу замоннинг кейинги ўн йиллиги дўстлик ва қардошлик ришталарининг мустаҳкам боғланишида муҳим омил бўлади. Туркиянинг янги Президенти Аҳмет Неждет Сазернинг (шу йил май ойида Президент лавозимини эгаллади) мамлакатимизга ташрифи ўзбек-турк муносабатларининг сифат жиҳатидан янги бо-

нос. У мамлакатдаги айрим сиёсий намоёндалардан фарқли равишда ҳеч бир партиянинг аъзоси эмас. Балки айнан шу жиҳат май ойидаги сайловларда номзод танлашда ҳал қилувчи омил бўлгандир. Чунки, кейинги йилларда Туркиядаги партиялар ўртасида сиёсий кураш авж олгандан авж олаётган эди. Аҳмет Сазер тежамкорлик масалаларига ўта алоқибанд ва маъмурий-бўйруқбозлик услубига қарши кайфиятда эканлиги билан ҳам матбуот эътиборини тортган.

Шу йил сентябрида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Туркия раҳбари Аҳмет Сазер билан БМТнинг «Минг йиллик» саммити доирасидаги учрашуви икки томонлама алоқаларда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу сўхбат чоғида Марказий Осиёдаги вазият атрофида таҳлил қилинди. Минтақавий ҳавфсизлик масалалари кўриб чиқилди. Тур-

кия Президенти Юртбошимиз билан Америка заминидидаги учрашув чоғида ўз хавфсизлиги ва барқарорлиги, суверенитетини ҳимоя қилиб, халқаро терроризмга қарши курашаётган Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашни ва бу борда ўз мамлакатни юртимизга зарур ёрдамни кўрсатишга тайёр эканлигини айтди. Яқин ўн йиллик воқеалари шундан гувоҳлик берадики, бир қатор давлатлар каби халқаро терроризм ва диний экстремизмдан катта азият чекаётган мамлакат Туркиядир. Сўнгги маълумотларга кўра, 40 мингдан кўпроқ аҳоли терроризм қурбони бўлган. Шу йилнинг 2-4 октябр кунлари Туркия ташқи ишлар вазири Исmoil Жем мамлакатимизда бўлди. Бу учрашуларда ҳам минтақавий ҳавфсизлик масалалари, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши биргаликда кураш олиб бориш бўйича фикр-

## «ШУМАНАЙ ТОЛАСИ»ГА ОЛИЙ МУКОФОТ

Шуманай туманидаги «Шуманай толаси» акциядорлик жамиятига Мадрид шаҳридан қувончли хабар келди. Жамиятнинг ўтган йили ишлаб чиқарган маҳсулотлари халқаро сифат ва маркетинг ассоциациясининг олтин юлдуз мукофотига сазовор бўлди.

4483 тонна тола тайёрлаб, уни Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Испания ва бошқа хорижий давлатларга экспорт қилган эди. Корхона жамоаси бу йил ҳам астойдил меҳнат қилиб, бугунги кунга қадар 479 тонна сифатли тола ишлаб чиқарди.

**«Туркистон-пресс»**



Туронзамин даргалари

МУЪТАБАР ҚАДАМЖО

Алломининг фикр ва калом илми соҳасидаги қарашлари унинг «Китоб ат-Тавхид» ва «Китоб таъвибот аҳд ас сунна» асарларида баён этилган. Ул зоти шариф ўз асарлари орқали парчаланиб кетган ислом ақидасини тозалаб, калом илмига асос солган алломадир. Унинг энг буюк назарияси, инсоннинг қилмиши олдидаги масъуллиги, жавобгарлигидир. Ал-Мотуридий барча яхши-ёмон ишни тақдири илоҳийга боғлаб, жавобгарликка, ривожсизликка қақирган турли қарашлар, диний оқимларга жавобан шундай дейди: — «Инсонларнинг ёмон хулқи ишлари, гуноҳлари Оллоҳнинг иродаси билан амалга ошса-да (чунки, Оллоҳ бу ишларни тақдир қилган), лекин Унинг розилигисиз амалга оширилади. Оллоҳ инсонларга ўз эркини қўлига берган ҳолда яратган, яъни азалдан тақдир этиб қўйган бўлса-да, инсоннинг баъзи ишларида соҳиби ихтиёрликни ҳам бергандир. Бу ишларни Имом ал-Мотуридий «афъали ихтиёрий» деб атайди ва инсон ўзининг шу ихтиёрий ишлари учун ўлимдан кейин мукофотланади (агар, эзгу

ишларни қилган бўлса) ёки жазоланади (агар, гуноҳ ишларни қилган бўлса).

Мотуридийнинг бу назарияси Оллоҳ ўз бандасининг яхши ишларида мададкор, ёмон ишларида уни тарқ этади, дейди ва инсонга ўз




қилмишлари олдида ўзининг масъуллигини эслатди. Ҳазрати имом Мотуридийнинг, инсониятнинг ўз қилмишлари олдида жавоб бериш, масъуллиги тўғрисидаги бу буюк назарияси — кенг миқёсдаги назария эди. Унинг бу таълимоти инсонларни ўйлашга мажбур этди, гуноҳ ишлардан қайтарди, ҳар яхши-ёмон ишни тақдирга, Илоҳийга тўнқашдан асради. Инсон ақл-тафаккурнинг чексизлигига ишора қилади. Бу фаний дунё инсон учун синов эканлигини қайта-қайта уқтиради.

Имом ал-Мотуридий «мутакаллим» сифатида Ислому фалсафасини яратиб, уни илмий жиҳатдан асослаб берганини бутун мусулмон

дунёси тан олади. Шу боис, бу зоти шарифнинг юбилей тантаналари юқори даражада, халқаро миқёсда нишонланмоқда. Шунинг учун ҳам дунёнинг турли мамлакатларидан меҳмонлар келиши кутилмоқда. Ал-Мотуридий илмий меросига бағишлаб ўтказилади-ган илмий анжуманга ҳам хорижлик йирик олимлар, илоҳиётшунос алломалар иштирок этадилар.

Ал-Мотуридийнинг маънавий меросида биз инсон ақл-идрокининг чексиз имкониятлари билан бирга унинг руҳиятидаги бети-сол қудратни ҳис қилиб, унда умумбашарий бирликнинг, ҳақиқат ва адолатнинг энг юксак ифодасини ҳис қиламиз. Улғу мутафаккир хотирасининг тикланиши, у қолдирган маънавий мероснинг чуқур ўрганилиши, муборак таваллуд кунларини тантанали суръатда ўтказилишида халқимизнинг миллий-маданий, диний-маърифий қадриятларини тиклаш соҳасидаги адолатли давлат сиёсатининг тантанасини кўрамоқдир. Зеро, доноларимиз айтганидек, мозиёга боқиб иш кўрмоқ хайрлидир.

**С. КАРИМОВ,**  
фалсафа фанлари доктори, профессор.



Миллий спорт турлари ва халқ ўйинларимиз ўзгичимиз, ўзбеклигимизни кўз-кўз этуви қадим бобомерос қадриятларимиздан бири ҳисобланади. Уни кўз қорачиқдек асраш, оммавийлаштириш ва ривожлантириш ҳамда келгуси авлодга етказиш борисида истиқлол йилларида мамлакатимизда қўлпа таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, «Алпомиш» дostonи юбилейи муносабати билан иккинчи мартаба ўтказилган «Алпомиш ўйинлари фестивали» чин маънода халқ ўйинлари тантанасига айланди. Сўлим Фаргона вилояти Фаргона туманининг Ёшлар бод кишлоғи «Водил» ўйингоҳида «И Алпомиш ўйинлари фестивали» зўр муваффақият билан ўтказилди.

**Суратларда:** 1. Фестивалнинг ўзбек кураши бўйича голиби Абдулла Тангриев. 2. «Елкада кураш» баҳсларида қашқадарёлик полвонлар — Одил Тошев ва Нодир Норқобилларга тенг келадиган рақиб топилмади. 3. Камондан ўқ отиш мусобақалари биринчи ўрин соҳибаси Елена Тараева.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Фестивал якунлари нимани кўрсатди?

(Боши 1-бетда.) Дарҳақиқат, Ёшлар бод кишлоғидаги ишқибозлар билан доимо

ли давом этаётган бир ҳоқимлигида республикамизнинг етуқ олимлари,

да Елена Тараева (Тошкент шаҳри) ва эркаклар ўртасида Ильдор Сайфуллин (Тошкент шаҳ-

ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ БАЙРАМИ

тўлиб турган ўйингоҳдаги «Алпомиш ўйинлари» фестивали миллий спорт турларининг улкан байрамига айланб кетди. Айниқса, фестивал очилишига жазон ва олимпиада чемпиони, англис мас чарм қўлоқ устамиз Мухаммадқодир Абдуллаев ва олимпиада бронза нишони соҳиби Сергей Михайловларнинг ташири буюриши байрамга муносиб тўёна бўлди.

Мусобақаларни эса камондан ўқ отувчилар ва ўзбек кураши усталари бошлаб беришди. Илк бор гиламга тушган Сидней олимпиадаси қатнашчиси, сурхондарёлик Абдулла Тангриев Андижон вилояти вакили Баҳодир Дадақўжаев устидан 59 дақиқада катта устунлик билан галаба қозонди. Белбоғли кураш баҳслари ҳам ишқибозларда зўр қизиқиш уйғотди. Армрестлинг (қўл кураши) бўйича мусобақалар эса гавданинг бақувватлиги ҳар доим ҳам галаба келтирарвермаслиги, спортда тинимсиз машқлар орқали камолга етиш энг муҳим омил эканлигини яна бир қарра исботлади. Шу тариха ишқибозлар бири-бирдан чиройли, ҳаяжонли мусобақаларнинг шохиди бўлишди.

Мусобақаларни эса камондан ўқ отувчилар ва ўзбек кураши усталари бошлаб беришди. Илк бор гиламга тушган Сидней олимпиадаси қатнашчиси, сурхондарёлик Абдулла Тангриев Андижон вилояти вакили Баҳодир Дадақўжаев устидан 59 дақиқада катта устунлик билан галаба қозонди. Белбоғли кураш баҳслари ҳам ишқибозларда зўр қизиқиш уйғотди. Армрестлинг (қўл кураши) бўйича мусобақалар эса гавданинг бақувватлиги ҳар доим ҳам галаба келтирарвермаслиги, спортда тинимсиз машқлар орқали камолга етиш энг муҳим омил эканлигини яна бир қарра исботлади. Шу тариха ишқибозлар бири-бирдан чиройли, ҳаяжонли мусобақаларнинг шохиди бўлишди.

Нихоят, икки кун давомида бўлиб ўтган қизиқarli ва ҳаяжонли мусобақалар ниҳоясига етиб «галвирни сувдан кўтариди» лаҳзалар келди. Белбоғли кураш бўйича Фахриддин Болтабоев (Фаргона вилояти), ўзбек кураши баҳсида Абдулла Тангриев (Сурхондарё вилояти), турон яккакурашчилари ўртасида қизлар беллашувида Азиза Қосимова (Фаргона вилояти), йигитлар баҳсида Фуқрат Маматов (Самарқанд вилояти), тош кўтаришда Валерий Коробков (Тошкент вилояти), камондан ўқ отишда аёллар ўртаси-

ри, армрестлинг бўйича қизлар ўртасида Дилором Қамбарова (Андижон вилояти) ва йигитлар баҳсида Султонбек Нигматуллаев (Самарқанд вилояти), «Елкада кураш»да Қашқадарё вилояти полвонлари, «Тортишмақоқ» бўйича эркаклар ўртасида Тошкент шаҳри, аёллар орасида Фаргона вилояти вакиллари, «Минди» спорт тури бўйича Наманган вилояти, «Бўрон» мусобақаларида эса фаргоналик спортчилар хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишиб, «И Алпомиш ўйинлари» фестивалининг голиблари бўлишди. Барча голиб ва совриндорларга диплом, нишон ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Умумжамоа ҳисобида Фаргона вилояти спортчилари голиб қилиб, махсус кубок билан тақдирланди. Иккинчи ўрин самарқандликларга, учинчи ўрин эса Тошкент шаҳри спортчиларига насиб этди.

Шундай қилиб, халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини ривожлантириш борисида яна бир муҳим қадам қўйилди. Энди «И Алпомиш ўйинлари фестивали»ни 2002 йили Қашқадарё вилояти қабул қилади.

Дилшоод ИСРОИЛОВ.

Ибрат



Бу ажиб дунёда одамлар табиати ҳам минг турфа. Кимдир мол-дунёга, кимдир кўша-қўша иморатлар барпо этишга, яна кимдир маърифатга иштиёқ қўяди. Наман-

НОЁБ ТУҲФА

ган шахрининг 4-Тошкент кўчасида яшовчи Умархон Азизқўжаев китоб йиғишга қизиқди. Қаерда, ким бўлиб ишлаганини, тирикчилик ва рўзғор харажатларидан ортганига китоб сотиб олиш билан шуғулланди. Тома-тома қўл бўлур, деганларидек, ёши бир ерга етганда бундоқ қараса, анча-мунча маърифат дурдоналари йиғилиб қолибди. Хўш, уларни нима қилсин? Ўйлаб-ўйлаб бу савол жавобини ҳам ўзи топди.

Бу тенгсиз дурдонларни ўз эгаларига топширишга қарор қилди. Шундай қилиб Умархон ака ўзининг 10 минг жилдга яқин китобларини Давлатобод туманидаги 6-мактаб ўқувчиларига туҳфа этди. Шу тариха унинг хонадониди катта миқдордаги хазина мактаб кутубхонасига «қўчиб ўтди».

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

Эркинлик бекорчилик эмас, балки ўз вақтидан эркин фойдаланиш ва кўнглига ёққан касбини таллай олиш имкониятидир. Қисқаси, эркин бўлиш бекор юриш эмас, аксинча нима қилиш ва нима қилмасликни одамнинг шахсан ўзи ҳал этишидир. **Ж. ЛАБРИЙЕР**

Фақат подонларгина бебошликни эркинлик дейдилар. **ТАЦИТ.**

Адолат ғоясини рад этиб бўлмайди. У одоб-аҳқоқ, ақл-идрок қонунларидан, омма ҳаётидан келиб чиқади. Адолат бошдан охир ҳаёт уфуриб турган сўзидир. **А. БАРБЮС.**

Одам ўз қалбига қулоқ осиб, унинг адолатпарварлигига иқрор бўларкан, қанчалар боши осмонга етади. **Ш. МОНТЕСКЬЕ.**

Халис ва сержулоҳаза одам ўз ҳукмини айтишга ҳеч вақт ошиқмайди. **Г. ФИЛДИНГ.**

Адолат — давлатнинг бузилмас пойдеворидир. **ПИНДАР.**

**ISHONCH**  
МУАССИС:  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир  
Мирғиёс ҚАЮМОВ  
Таҳрир хайъати:  
Ж.Алимқўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Оstonов, М.Расулов, Э.Эқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котиб-биа 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Махсус хизмат: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли тўвухнома берилган. ИВМ компьютерда терибли ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 боёма табоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сотивува эркин нархда.  
«Шарқ» нашриёт — матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди 01.00